
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
28 сентябрь
Жума
№ 185 (13.621).
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ



Жумҳуриятимизда биринчи тажриба педагогик бирлашмаси — ТПБ ташкил қилинди. Унга Киров ва Собир Раҳимов ноҳияларидаги тўртта мактаб ва 25-ўрта ҳунар-техника билим юрти кирди. Шуниси эътиборга лойиқки, улар ўз мустақилликларини тўла сақлаб қолсалар-да, ўқувчиларни касбга йўналтириш масалаларини биргаликда ҳал қиладилар.

Ўқувчилар умумтаълим фанларини ўз мактабларида ўқишади, аммо ҳафтада икки марта бўладиган техник машғулотлар учун ҳунар-техника билим юртларига боришади. Яъни, энди улар айни бир вақтда ҳам мактаб, ҳам ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларидир.

СУРАТДА: 10-синф ўқувчиси Рустам Усмонов математика дарсида. У Тошкентдаги 260-ўрта мактабда ўқийди.

Сураткаш: И. ИГНАТЬЕВ ва Р. ШАМСУТДИНОВ.
(ЎзТАГ сурат хроникаси).

Марғилон комсомоли — 70 ёшда

Суронли, машаққатли, қийинчиликларга тўла 70 йил. Марғилон шаҳар комсомол ташкилоти учун бу йўлни босиб ўтиш осонликча кечмади. Гоҳида сурунди, гоҳида қоқилди, аммо синовларга бардош берди. Оловли йиллар уни тоблади, чиниқтирди. Ёшларни эса ҳамиша ўз ортидан эргаштира билди.

Эртага шаҳар комсомоллари ана шу қутлуғ санани нишонлаш билан бирга келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ҳам белгилаб олишади.

СИДҚИДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

Марғилон шаҳар комсомоли ташкил этилганига 70 йил тўлди. Бу қутлуғ сана улуғ инқилобнинг дастлабки қайноқ йилларида комсомол ячейкаларини тузган, йигит-қизларни илм-маърифатга даъват этган, байналмилаллик руҳини сингдирган комсомол ветеранлари билан бир қаторда ҳозирги кунда унинг сафларида камолот мактабини ўтаётган минг-минглаб йигит-қизларнинг ҳам байрамидир.

Юбилей фақат тантанагина бўлиб қолмай, балки ўтмишга назар ташлаш ва истиқбол режаларини аниқ белгилаб олиш учун бир баҳона. Чунки ҳозирги қайта қуриш ва демократияшаш жараёни ҳам ана шу босиб ўтилган йўллар билан ҳамнафас, кўпгина муаммолар эса ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Марғилон комсомолини қутлуғ айём, катта байрам билан сидқидилдан табриклайди ва унинг сафларида ҳаёт синовидан ўтган барча авлодларга ўзининг энг яхши истакларини изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.

Авлодлар изидан

МАРҒИЛОН ШАҲАР КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИНИНГ САРКОТИБИ ЖУРЪАТ СУЛТОНОВ БИЛАН МУСОҲАБА

— Журъат, таъбир жоиз бўлса, қўмита тарихидаги кенжа котибсиз. Ўтмишнинг залворли юки сизни мулоҳазага қилишга ундайдими?

— Ҳар гал хонага қадам қўйганимда бир ўй хаёлимдан ўтади: бу ерда не-не авлодлар ишлашган. Шубҳасиз, уларга комсомол тамал тошини қўйиш ҳам осон бўлмаган. Ён дафтаримда комсомол тарихидаги характерли воқеалар, котиблар тақдирига оид тафсилотлар қайд этилган. Айтмоқчиманки, кекса авлод кечмишини кўз олдингизга келтирмай туриб, бу кунларнинг қадрига етиш қийин.

Бундан етмиш йил муқаддам Марғилонда комсомол ташкилотлари тарқоқ ҳолда бўлган. Улар Акрамхўжа Бадалхўжаев етакчилигида ягона марказга бирлашганларида комсомол аъзолари 91 нафар эди. Ўйланиб қоламан: оч-юпун, машаққатли йиллар-да улар комсомолга эътиқод қўйишган. Ҳозирчи, гоҳида комсомол ташкилотлари жар ёқасига бориб қолаяпти. Сабаби, комсомол сафларига ўтиш ёшларга осонгина насиб этаяпти-да. Улар турли синовлар, топшириқларни четлаб ўтишаётир. Мен жумҳуриятимиз комсомолининг навбатдаги съезди олдига ҳам худди шундай масалани қўймоқчиман. Комсомолнинг обрўсини тиклаш учун қабулни тубдан ўзгартирмаса бўлмайди.

— Гап фақат қабулда бўлса майли эди. Комсомол ўз тарихида жуда кўп нарсани мустақил ҳал этган. Жумладан, хўжалик, ишлаб чиқариш муаммолари ва ҳоказо.

— Албатта, биз кўп нарсани бой бердик. Кейинги пайтларда айримларнинг «комсомол юқорининг югурдаги бўлиб қолди», деган дашномли гапларида жон бор. Комсомолга мустақиллик керак. У алоҳида фирқа бўлмаган тақдирда ҳам худди ана шу мақомда иш юритиши зарур. Шундай пайтлар бўлдики, оддийгина юмушлар учун ҳам фирқа органларидан рухсат сўралди. Ҳақиқатан ҳам, комсомол фирқанинг ўринбосари бўлмади. Қолаверса, комсомол ходимининг келажаги ҳақида фирқа жон куйдиряптими?

Комсомолнинг ишлаб чиқаришдаги ўрнига келсак. Бу энг аввало фаолларнинг қай даражада иш юритишларига боғлиқ. Агар етакчи талабчан, ишбилармон бўлса, фаоллар уюшқоқлик билан ёшларни бирлаштирсалар муаммоларга ўрин қолмайди. Марғилон ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси (котиби А. Йўлдошев), «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси (котиби М. Орипов) каби комсомол ташкилотлари корхонада ўз ўрнига эга. Ҳеч бир масала комсомол иштирокисиз ҳал бўлмайди.

— Комсомолдаги қоғозбозлик, буйруқбозлик, кабинетда туриб иш битириш ҳақида кўп ёзилди. Бу иллатлар илдизини қирқиб бўлдими?

— Сиз таъкидлаган нуқсонлар етакчи ойлагига тўшов бўлди. Ҳозир «Муҳаммад, тоғ сенинг олдингга келмаса, сен унинг олдига бор» қабилида иш тутяпмиз. Қўмитанинг барча ходимлари ҳафтада бир маротаба бошланғич ташкилотда бўламиз. Ишни атрофлича таҳлил қиламиз. Мақсад тафтиш қилиш эмас. Камчиликларни кўрсатиб, унга биргаликда ечим топиш. Ишларимиз яхши натижа бераяпти. Турли оворагарчиликларга барҳам берилди. Ходимларнинг юқоридагилар учун телефон орқали ахборот беришларига чек қўйилди.

— Яширишнинг ҳожати йўқ. Айрим ташкилотларда бўлсангиз комсомоллар ўз етакчиларини тузук танимайдилар ҳам.

— Сабаби, бундай етакчилар ёшлар орасида бўлишмайди-да. Энг ёмон нарса ҳам шу: жамоадан ажраб қолиш. Биз ёшлар билан тез-тез йиғин ўтказиб турамиз. Улар билан мулоқот қилиб дард-ташвишларига шерик бўламиз. Ҳал бўлмаётган муаммоларни ўрганиб борамиз. Тўғри, уни ечишга балки қўлимиз калталик қилар. Аммо, бу ҳақда маъмуриятга ёки юқори ташкилотларга тақдимнома юборамиз.

2-бетга қаранг!

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ»

Кеча Тошкентда Жаҳон саёҳат кунига бағишланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари комсомол қўмиталари «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюролари раисларининг минтақа семинари бошланди. Семинарни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров очди.

Мамлакатдаги турли нотинч воқеалардан сўнг халқаро саёҳат кескин қисқариб кетиши мамлакат ичидаги саёҳатни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шароитида якка-якка эмас, ҳамжиҳат фаолият кўрсатишни тақозо этмоқда. Қатнашчилар минтақамиз ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлари билан жаҳон ёшларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келаётганини, лекин жумҳуриятларимиз мавжуд имкониятлардан шу пайтгача оқилона фойдалана олмаганини, моддий база жуда қашшоқлигини таъкидладилар, «Спутник» системасини сақлаб қолган ҳолда марказ билан шартнома асосида ишлашни, жумҳуриятларимизга ташриф буюраётган хорижий гуруҳлардан келаётган фойданинг тегишли қисмини тўлиғича олиш талаби билан чиқдилар. Ҳозир эса марказ фойданинг маълум қисмини бериш билан чекланиб қоляпти, холос.

Семинар қатнашчилари бу масала юзасидан учрашувда иштирок этаётган БЛКЁИ МҚ «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси раисининг биринчи муовини В. С. Кулько ва раис ўринбосари А. С. Кузнецовга Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюролари раисларининг БЛКЁИ МҚ «Спутник» ХЁСБга Баёноти лойиҳасини тақдим этдилар.

Семинар 1 октябргача давом этади.

«Ҳосил—90»

Пахтамиз 2.000.000 тоннадан ошиб кетди

ИККИНЧИ БЎЛИБ

(Телефонда Большевик ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Нормурод САЪДИНОВ).

Бердирасул Тиллаев бошчилигидаги пахтачилик комсомол-ёшлар бригадаси Жониқул Юсупов номли жамоа хўжалигида меҳнат қилишади Жамоанинг экин майдони 70 гектар. Йигит-қизларининг ҳозиргача уйган хирмонлари туфайли ҳосилдорлик 23,5 центнерга етди. Ялпи ҳосил 164 тонна! Ҳаммаси биринчи навга топширилди. Хом ашёнинг 91 тоннаси машинада терилган. Уни ёш механизатор Эшмурод Эргашев ўз «зангори кема»сида йиғиштирди.

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

Қутлимурод Хабузов «Ленин йўли» жамоа хўжалиги комсомол-ёшлар жамоасига етакчилик қилади. У бош бўлган ёш пахтакорлар ноҳияда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш режасини бажаришди.

Йигит-қизлар ихтиёрида 71 гектар майдон бор. Ҳосилдорликни гектарига 20,8 центнерга етказиш ниятидалар.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.
Тўрткўл ноҳияси.

ДАВОМ ЭТЯПТИ

(Телефонда Қашқадарё вилояти комсомол қўмитаси ёшларнинг ижтимоий муаммолари бўлими йўриқчиси Исроил ИСЛОМОВ.)

Ҳамма хўжаликларда пахта йиғим-терими авж паллага кирган бир маҳалда Ғузор ноҳияси деҳқонлари ҳам муваффақият сари яқинлашмоқдалар. Бунга, айниқса, комсомол-ёшлар жамоаларининг улуши катта. Шундай жамоалардан бири Я. Кенжаназаров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасидир. Улар аллақачон — учинчи сентябрдаёқ вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаришганди. Ҳанузгача ихтиёрларидаги 40 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни йиғиш билан бандлар.

Қандаҳор Бўронов бригадаси аҳли ҳам илғорлардан саналади. Улар ихтиёрларидаги 36 гектар пахта майдонидан 100 тонна хом ашё териб, белгиланган режаларини амалга оширдилар. Бу жамоа ихтиёридаги пахтазорларда ҳам ҳосил ҳамон мўл.

Навоий номидаги давлат хўжалигининг Нафас Бўриев бошқараётган бригада аҳли ҳам шу кунларда мажбурият ҳисобига ҳосил йиғишяпти. Жамоанинг тўплаган хирмони 116 тоннадан ошди.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ҚАРАМАЙ

«УЗБИТХИМ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари ускуналарни режали равишда капитал ремонт қилишни муддатидан бир ҳафта илгари тугатдилар. Бунинг ҳисобига планга қўшимча равишда 500 тоннага яқин синтетик кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг йиллик топшириғи ниҳоятда катта — улар 28 минг тонна кир ювадиган кукун тайёрлаб беришлари керак. Техника ўз муддатини ўтаб бўлганини ҳисобга олсак, тошкентлик кимёгарлар бозорда ана шу мол тақчиллигини бартараф этиш учун мумкин бўлган барча ишларни қилдилар.

Жамоанинг тиним билмай ғайрат билан ишлаши фақат режа кўрсаткичларига эмас, айни вақтда ишлаб топиладиган фойдага ҳам таъсир этди. Ҳозирдаёқ миллион сўмликдан кўпроқ фойда олинди. Бу пуллар корхона ходимлари учун уй-жой қурилишига сарфланади, завод ошхонасидаги тушликлар ҳақи қисман қопланади, кооператив квартираларга бериладиган аъзолик бадалларига сарфланади.

ФАБРИКА ЯНГИ БИНОДА

АНГРЕН тикувчилик фабрикасининг комиссияси ширкатчи қурувчилардан икки қаватли ишлаб чиқариш биносини юқори баҳо билан қабул қилиб олди.

Кенг ва ёруғ бинода бичиқчилик ва тикувчилик цехлари, тайёр маҳсулот омборлари жойлашади. Хоналар ҳавони шамоллатишнинг замонавий системаси билан жиҳозланган, пардозлаш ишларида овозни ютувчи материаллардан фойдаланилган.

Ангрен тикувчилари яқин-яқингача ноқулай, мослаштирилган биноларда тиқилишиб меҳнат қилишарди. Меҳнат шароити, эскирган ускуналар юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон бермасди. Энди аёлларнинг бозорда рақобат қила оладиган хилма-хил буюмларини ишлаб чиқара бошладилар.

(ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

Талабанинг дарди кўп

Жумҳурият талабалар анжумани делегатларининг Тошкент минтақавий учрашувида бунга яна бир карра иқрор бўлинди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойи, аниқроғи 15—19 ноябрь кунлари, талабалар ҳаётида ўчмас из қолдирди. Бу кунлари Москвада Бутуниттифоқ талабалар анжумани бўлиб ўтди. Унда талабалар муаммолари, уларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди, қарашлари тўғрисида кўп гап бўлди. Ушбу анжуманда жумҳуриятимиз ўқув даргоҳларидан 73 нафар талаба қатнашди. Анжуман ҳаётида уларнинг ҳам фаол иштирок этганини кўпчилигимиз биламиз. Бироқ, шуни афсус билан қайд этиш лозимки, жумҳуриятимизда бу масалага етарли эътибор берилмади, демоқчимизки, жумҳурият талабалар анжумани ўтмади. Ҳолбуки, уни ўтказиш бўйича тайёрлов қўмитаси талай ишлар қилиб қўйган эди.

— Жумҳуриятимизда талабалар анжумани ўтказиш 1989 йилнинг октябрь—ноябрь ойларига белгиланган эди, — дейди жумҳурият талабалар анжуманини ўтказиш бўйича тайёрлов қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюро аъзоси Адиба Қосимова. — Афсуски, ўша кунлари ва ундан кейин ҳам анжуман ўтказилмади. Бунга бир қанча сабаблар бор. Биз Халқ таълими (ҳозирги Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари) вазирлиги ва жумҳурият касаба уюшмалари Марказий Қўмитасига таклифлар билан чиққанмиз. Афсус, ҳаммаси қоғозларда қолиб кетди. Улар жумҳурият талабаларининг дардларини тинглашни хоҳламадилар. Ҳанузгача талабалар фикрига паст назар билан қараш давом этиб келинмоқда.

Бу гапларга ишонмаслик мумкин эмас. Бунга жумҳурият талабалар анжумани делегатларининг пойтахт ва Тошкент вилояти минтақавий учрашувида қатнашиб, яна бир бор инондим.

Ўша куни учрашувга таклиф этилган Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларидан ҳам, жумҳурият касаба уюшмалари Марказий Қўмитасидан ҳам биронта вакил қатнашмади. Қолаверса, учрашувда иштирок этиши кўзда тутилган 213 нафар талаба-делегатдан бор-йўғи 75(?) нафари ташриф буюрди.

Бунгача жумҳуриятимизнинг 3 вилоятида минтақавий учрашувлар бўлиб ўтган ва улар қуйидагилар: Самарқанд — Қашқадарё — Сурхондарё, Қорақалпоғистон — Хоразм — Бухоро, Жиззах — Сирдарё вилоятларида. Эрта-индин Фарғона — Андижон — Наманган талабаларининг вакиллари йиғиладилар.

Жумҳуриятимиз бўйича минтақавий учрашувлар бўлиб ўтгач, унда қабул қилинган қарорлар тайёрлов қўмитаси томонидан умумлаштирилиб, ягона ҳужжат ишлаб чиқилади. Бу қарор — таклифлар жумҳурият фирқа Марказий Қўмитасига, Вазирлар Кенгашига, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларига тақдим этилади.

Пойтахт ва Тошкент вилояти ўқув даргоҳларининг вакил-талабалари иштирок этган минтақавий учрашувда баҳс марказлари ишлади. Марказларда ёшлар талабанинг бугуни ва эртаси ҳақида қайғурдилар. Учрашувда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиби А. Қодиров қатнашди ва сўзга чиқди.

Муҳаммад АМИН.



СУРАТЛАРДА: жумҳурият талабалар анжумани делегатларининг Тошкент минтақавий учрашувида иштирок этган комсомол-ёшлардан бир гуруҳи.

МУАЛЛИФ суратга олган.

НУЖ мухбиримиз нигоҳи билан

Номаълум учувчи жисмлар ҳақида бизнинг рўзномамизда ҳам кўп ёзилган. Гап шундаки, барча чиқишларнинг муаллифлари муҳарририятга алоқаси йўқ кишилар эди. Бу гал эса... Илк бор мухбиримиз НУЖни бевосита ўзи кузатди. Воқеа шу йилнинг 21 сентябридан 22 сентябрига ўтар кечаси содир бўлган.

Соат тунги 12 дан ошса ҳамки, уйқум келавермади. Қўлимга «Ўзбекистон физкультурачиси»ни олдим. Азамат тўғрисидаги мақолани ўқиб чиқдим. Шу кунларда тамаки камчил эмасми, чекким келаверганидан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Айвонга чиқиб теварак-атрофни кузата бошладим. (Дарвоқе, тўртинчи қаватда турамиз). Шунда кўзим рўпарамдаги кўпқаватли уйнинг тепасида турган чироқларга тушди. Аввалига байрамларда отиладиган мушак, деб ўйладим. Йўқ. Неча дақиқа тикилиб турган бўлсам, шунча вақт бояги ёруғлик ҳам жойидан жилмасди. Фақат шакли ўзгарарди. Дастлаб ғужум бўлиб кўринди. Бир пасда шохлар кийдирган тож шаклига кирди. Кўзларимга ишонмадим. Аввалига шундай кўринаётгандир деб ўйладим. Дарҳол уйга кирдим, соатга қарадим: 4 минути кам тунги бир. Турмуш ўртоғимни уйғотдим. Айвонга энди бирга чиқдик. Рўпарамиздаги ёруғлик шунчалик равшан нур сочардики, уларнинг ғужғон ёғдуси тобора завқлироқ бўлиб кўзга ташланарди. Уйдан чиққунимизча ёруғлик шакли ўзгариб, тухумсимон тусга кирган эди, Чироқлар орасида битта қизили кетма-кет ёниб ўчарди. Шу орада номаълум учувчи, «чироқ»лар кўздан узоқлаша бошлади ва думли жисм шаклга кирганча кўздан ғойиб бўлди. 01 дан 3 минут ўтган эди.

Қайтиб уйга кирдик. Турмуш ўртоғим саросимада:

— Уйга кириб қолса-я?! — деди у.

— Келса нима қилибди, — суҳбатлашардик. Олиб кетишса, рўзнома учун саёҳатнома ёзардим, — ҳазиллашдим.

Шу зайлда беш-ўн минут баҳслашиб қолдик. Сўнгра яна айвонга чиқдим. Не кўз билан кўрайки, бояги чироқлар худди олдинги ўрнида ғужғон бўлиб милтилларди. «Томошага» яна турмуш ўртоғимни чақирдим. Қўлимга қоғоз-қалам олиб, уларнинг шаклини чиза бошладим. Шу заҳоти биринчи қаватдаги қўшнимизнинг москвалик укаси ёдимга тушди. Техника фанлари доктори эди у. Тошкентга меҳмон бўлиб келган эди. Фазовий ҳодисаларга алоқадор киши. Дарҳол уларни чақиришга тушиб кетдим. Бу вақтда соат 01 дан 24 минут ўтган эди. Қўшнилар бизникига кўтарилишди.

Айвонга чиққанимизда эса чироқлар кўздан ғойиб бўлган эди.

Қўшни меҳмон олим олдинроқ чақирмаганимизга таассуфлар билдириб, кўрганларимизни қайта-қайта суриштирди. Таассуротларимизни гапириб бердик. Барибир кўнглим тўлмасди. Дарҳол йўлнинг нариги бетидаги тўққиз қаватли, бинокорлик буюмлари комбинатига қарашли уйга чиқдим. Бу ерда ҳам олтинчи ва еттинчи қаватларда яшовчилар номаълум учувчи жисмнинг ҳаракатларини кузатиб туришарди.

— Сизлар ҳам кўрдингларми? — пастдан туриб қичқирдим олтинчи қават айвонида турган йигитга.

— Ҳа, — тасдиқлади у. — Ҳозир яна кўринади, — қўшимча қилди у.

— Қаёқдан биласиз, гаплашиб қўйганмисиз? — дедим ажабланиб.

— Йўқ. Аммо беш марта чиққандан кейин яна чиқади-да.

НУЖ эса бошқа кўринмади. Аммо қўшни уйлик гувоҳларнинг гапидан унинг жами беш марта кўринганини, биз эса сўнгги икки чиқишига улгурганимизни фаҳмладим.

Энди номаълум учувчи жисмнинг орадаги масофаси ҳақида икки оғиз. Биз Шота Руставели кўчаси билан Волгоград кўчалари кесишган жойда истиқомат қиламиз. НУЖ кузатилган томон эса Шарқий Шимолда. 20—25 километрлар масофада. Тахминан Янгиобод устида эди.

Шу-шу, ўша тундан буён вақт кечки ўн иккидан ошди дегунча айвонга чиқаман. НУЖ кўринган томонни кузатаман. Ушбу кўрган-кечирганларимни ҳам ўзга сайёраликларнинг (агар шундай деб аташ мумкин бўлса,) такрорий чиқишидан сўнг ёзиш ниятида эдим. Аммо... НУЖ ҳозирча кўринмаяпти...

Сувонқул РУСТАМ,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Тошкент шаҳри.

Шу сонга хабар

(Боши 1-бетда).

Комсомол аъзоси ўз дардини айтиб қолавермаслиги керак-да.

— Ўтмишни унутиш гуноҳ. Унга оёқ қўйиш калтабинликдир, шундай эмасми?

— Аждодларимиз ўз авлодларига жуда катта мерос қолдиришган. Тарихий обидаларни тақдим этди. Аммо бизнинг кўзларимиз жуда-жуда кеч очилди. Умрбоқий биноларни динга боғлаб катта хато қилдик. Уларнинг қадрига етмадик. Харобаларга айлантирдик. Энди гуноҳларимизни бунёдкорлик ишларимиз билан ювишимиз керак.

Ёшларимизда ҳам лоқайдлик касали бор-да. Марғилонда тарихий обидалар, музейлар кўп. Аммо унга ташриф буюрувчилар оз. Оддий мисол: Йўлдош Охунбобоев, шаҳар адабиёт ва санъат музейини олиб қарайлик. Мухлис сифатида жуда кўп марта кузатганман. Биласизми, мулозимлар ташрифчилар йўқлигидан эснаб ўтиришади. Хўш, жумҳуриятимизнинг таниқли арбоби Йўлдош отанинг ҳаёти ёки Марғилонда яшаб, ижод қилган шоир ва адиблар тақдири ёшларни қизиқтирмайдими? Тарих воқеалари жозибали. Аммо юқорида айтганимдек, йигит-қизлар лоқайдлик касалидан қутула олишмаяпти.

Бюро йиғилишларимиздан бирида тарихий меросимизни ўрганиш бўйича масалани кўриб чиқдик. Яқин кунларда комсомол тарихи музейини очишни кўзда тутяпмиз.

— Ўтмишни ёдлаш яхши. Лекин тарихий воқеалар шоҳидларининг тириклигида қадрига етиш керак. Айрим комсомол фахрийларининг ёрдамга муҳтожлигини қандай изоҳлайсиз?

— Комсомол ветеранлари бизнинг энг яқин маслаҳатчиларимиз. Мўйдин Дадабоев, Адолат Йўлдошева, Гулфия Сайфутдинова, Ҳидоят Самадова каби қарияларимиз билан ёшлар учрашувларини уюштириб турамиз. Қолаверса, уларга кашшофларни бириктириб қўйганмиз. Ўқувчилар қарияларга оғирини енгил қилаяптилар. Ўрмон ака Аҳмедовнинг яшаш шароити яхши эмас, ҳақиқатан ҳам. Биз у кишининг уйини таъмирлаб беришни ният қилиб қўйганмиз.

— Ўрни келганда айтиб ўтиш керак. Комсомол-ёшларнинг «Хизмат» қурилиш ширкати бор эди. Нега энди у ўзгалар ихтиёрига бериб юборилди?

— Ширкатни ташкил этишга эришдик, унинг ривожланишига кафолат бера олмай қолдик. Қурилиш материаллари таъминоти масалани чигаллаштирди. Марғилонда қурилиш тресты иш бошлаши билан ширкатни улар ҳисобига ўтказдик. Энди бундан буёнги иқтисодий қонун шундай бўлади: ўзини оқлолмаган уюшма [illegible]

— Ҳар қалай комсомолда ўзини оқлаётган уюшмалар борми?

— Бор. «Ишонч» деб аталган ёшларнинг илмий-техник ижодкорлик маркази дадил қадамлар ташлаяпти. Корхона ва ташкилотлар буюртмасини ҳал этиб, ҳозир ҳисобига 50 минг сўмга яқин маблағ туширди. Хўжалик ҳисобидаги «Ихлос» ёшлар маркази болалар ва ўсмирлар учун бежирим кийимлар тикаяпти. Асаларичилик фермаси ташкил этмоқчимиз. Маҳсулотни хорижий элга сотиб, валюта ишлаш ниятимиз бор.

— Авваллари комсомолда турли ташаббуслар кўп бўларди. Кейинги вақтларда бу ҳақда жуда кам гапириладиган бўлиб қолди. Ёшларда шижоат кўрсатиб ишлаш сўниб бораяптими?

— Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади, дейишади. Авваллари кўп нарсани ташаббус деб атайверардик. Хайбаракаллачилик ҳукм сурарди. Энди эҳтиёткор бўлиб қолдик. Тўйдан олдин ноғора чалишни бас қилдик. Кези келганда айтиб қўяй, яхши бир ҳаракатимиз бор: ажойиб истеъдодли шоира Увайсий уй-музейи тикланяпти. Ташаббускор гуруҳ Увайсий уй-музейи учун жамғарма ҳисоби очди. Ўзимиз биринчи бўлиб минг сўм маблағ ажратдик. Албатта, бу дарёдан томчи, холос. Аммо ҳа, деган туяга мадор-да.

Авлодлар изидан

Таваллудига 200 йил бўлаётган шоиранинг яшаб-ижод этган турар-жойига бефарқ қараб келдик. Элнинг суюкли қизи хотираси ардоқланса, қадамжолари обод қилинса бўлмасмиди? Ноҳақлик бунчалар бўлмас. Қачонгача ўтмишимизга лоқайд бўламиз? Ташаббускор гуруҳ уй-музей учун 2 миллион сўм маблағ йиғишни кўзда тутяпти. Сабаби музей қаршисида меҳмонхона қурилади. Шарқона услубда уй тикланади. Сўлим хиёбонлар бунёд этилади. Бошқачароқ қилиб айтганда хорижлик сайёҳатчилар ташриф буюрса уялиб қолмайдиган шароит яратилади.

Эски ўзбек ёзувидаги китоблар кутубхонаси ташкил этиш режалаштирилган. Халқимиз ёзувини ўрганаётган экан, мутолаа учун кутубхона ҳам яратайлик.

— Кишида эътиқод бўлса, ҳамма нарсага эришиш мумкин...

— Тўғри айтдингиз. Инсон бирор нарсага меҳр қўймаса, унинг рўёбига ишонмаса, яхшиси бундай ишга қўл урмаган маъқул. Бизнинг энг ҳавфсираётган нарсамиз ҳам ёшларнинг эътиқодсиз бўлиб қолиши. Шу боис турли жабҳаларда ишлаётган ёшлар ўртасида «Эътиқод» кўрик-баҳс ташкил этдик. Йигит-қизлар ҳам билимларини, ҳам ҳаётий тажрибаларини синовдан ўтказадилар.

— Ўзбекистон комсомолининг олий анжумани ҳам яқинлашаяпти. Кўрсатилаётган номзодлардан кўнглингиз тўлаяптими?

— Гапнинг очиғи, зўрма-зўраки сайланган делегатлардан панд олдириб қўйганмиз. Аввалги йилларда нима бўлди? Делегатларимиз пойтахтни кўриб келиш, қарсак чалишдан бошқа нарсага ярамадилар. Ёшларнинг дард-ташвишлари, муаммоларини очиқ-ойдин айтиш ўрнига фақат «ижозат қилиб» ўтиришди. Узоққа бормайлик. БЛКЁИ XXI съездида Марғилон шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси Соҳиба Жаҳоновани делегат қилиб кўрсатган эдик. У олий анжуманда Марказий Тафтиш Комиссиясига аъзо ҳам бўлди. Кейин-чи? Съезддан сўнг ёлғон бўлмасин бир марта, унда ҳам зўрма-зўраки учрашув ўтказилди. Делегатимиз комсомол билан алоқани бас қилди. Энди айтинг-чи, бизга шундай вакиллар керакми? Яқин кунларда Соҳиба Жаҳоновани делегатликдан чақириб олмоқчимиз.

Эндиликда Ўзбекистон комсомоли съездига сайланган делегатлар билан комсомол қўмиталари котибларининг учрашувларини уюштирмоқчимиз. Баҳс, мунозаралар қилишсин. Майли, котиблар делегатларга йўл-йўриқлар ўргатишсин. Аммо делегатимиз оғзига талқон солиб ўтирадиган бўлмасин.

— Олий анжумандан нималар кутаяпсиз?

— Энг аввало жумҳурият комсомолининг истиқболини белгилаб олишни.

— Икки оғиз сўз байрам шодиёналари хусусида бўлса.

— Юбилейни нишонлашга катта тайёргарлик кўраяпмиз. Халқимизнинг қадим-қадимдан давом этган ўйинлари, томошаларини намойиш этамиз. Корхона ва ташкилот комсомол-ёшлари ўз ютуқлари билан шодиёна қатнашчиларини баҳраманд этадилар. Иқтидорли санъаткорлар хизматда бўладилар. Бир сўз билан айтганда байрам-байрамдек ўтади. Фурсатдан фойдаланиб комсомолда ишлаган ветеранларимиз, фаолларимизни юбилей билан қутлаймиз. Барчани баркамоллик, гўзаллик, ёшлик байрамига таклиф этамиз.

Суҳбатдош «Ёш ленинчи» мухбири
Фозилжон ШОДМОН.

Марғилон комсомоли — 70 ёшда

Байрам қутлуғ бўлсин!

Марғилон комсомолининг тарихда ўз ўрни бор. У ёшларни ғоявий баркамол, маънавий етук қилиб тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшиб келаяпти.

Марғилон комсомоли солномасида ёрқин из қолдирган Акромхўжа Бадалхўжаев, Адолат Йўлдошева, Мўйдин Дадабоев каби кашшофларнинг жасорати қалбларимизга муҳрланиб қолган. Шубҳасиз, боболаримиз ишини давом эттираётган кенжа авлод ҳам ёшлар тарбиясига бутун куч-қувватини сарф этаётир. Ҳамкасбларимизни шаҳар комсомолининг 70 йиллик айёми билан қизғин қутлаймиз. Уларга комсомол-ёшларни янги жасоратларга отлантиришда куч-қувват тилаймиз. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, ҳамкасблар!

БАЛИҚЧИ НОҲИЯ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИ.





Марғилонлик ёшларнинг кайфияти ўзгача, чунки улар комсомолнинг 70 йиллик юбилейини зўр тантана билан нишонлаяптилар. Ўтказилган тадбирда сўзга чиққан марғилонлик комсомол ёшлар меҳнатдаги ажойиб фаолиятлари, режалари ҳақида тўлиб-тошиб гапиришди. Марғилон билим юрти толибалари шаҳар маданият уйи қошидаги ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари ўз санъатларини намойиш этиб, йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

СУРАТДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Сураткаш: Аъзамжон МИРЗАЖОН.

Қўйинингдан тўкилса...

Дилдан яйраб, қалбдан кулганга нима етсин. Кулгу умрни узайтиради. Кайфиятни яхшилайди. Энг муҳими кўнглига шодлик инган кишининг иши самарали бўлади. Балким шундандир Марғилон шаҳридаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ипак пишитув-тўқув фабрикаси комсомол қўмитаси ёшлар билан ишлашда янгича йўл тутди. Энг муҳими уларнинг кайфиятини кўтариш, меҳнатга юракдан ёндашишларига эришиш лозим деб билди. Нима қилиш керак?

Қаловини топса, қор ҳам ёнади, деганлари тўғри экан. Мутасаддилар турли тадбирларда иқтидорли, қобилиятли ёшларни кўз остига олиб юришар экан. Уларнинг фаоллигида ҳаваскорлар тўгараги ташкил этилса, нима бўлади?! Шундай йўл тутилди. Уюшмага «Ханда» дея ном берилди.

Мамлакатимизда қайта қуриш осонликча кетмаяпти. Олға боришимиз учун муҳолифлар турли тўсиқларни ўйлаб топишяпти. Порахўрлик, мансабпарастлик, буйруқбозликнинг илдизини қанча қирқишга уринилмасин, барибир охиригача тугатилгани йўқ. Оддийгина мисол: ипак пишитув-фабрикасида камчиликлар йўқми? Ишлаб чиқариш ривожига ғов бўлаётган муаммолар камми? Эҳе, улар истаганча топилади. Ишлаб чиқаришдаги узилишлар, кадрлар қўнимсизлиги, эҳтиёт қисмлар, хом ашёнинг бир маромда таъминланмаслиги... Айтаман деса гап кўп. «Ханда» ўз дастурини белгилашда фабрикадаги нуқсонларни нишонга олди. «Кулгу, кулгу...», «Келинг бир кулишайлик», «Ханда ҳазиллари» каби саҳналарда ишчилар ҳаётидаги, ишлаб чиқаришдаги иллатлар аччиқ кулгу остига олинганлигининг гувоҳи бўлдилар.

«Йўлланма», «Иғвогар», «Амалпараст», «Макарон», «Кетмон» каби ҳажвиялар маромига етказиб ижро этилганда баъзиларнинг жаҳли чиқди. Ахир санъаткорлар коса тагида ним коса бор қабилида иш тутаётган эдилар-да. Албатта комсомолнинг ўзи ҳам аччиқ кулги заҳридан четда қолмади. Ёшларнинг дам олиши, инсон омилига панжа остидан қаралаётганлиги танқид қилинди.

Хушовоз хонанда Раҳматулло Мадалимовнинг ҳажвий қўшиқлари кўпчиликка манзур бўлаётир. Ҳазил ашулаларни шунчаки тинглаб бўлмайди. Киши қўшиқдан сўнг муаммолар хусусида жиддий ўйлашга, мулоҳаза қилишга мажбур бўлади.

«Ханда» ижрочилари санъат билим юртини тамомлаган мутахассислар эмас. Оддийгина ишчилар билан бир сафда туриб меҳнат қилаётган ёшлар. Аммо уларда ҳаётий тажриба, санъаткорлик қобилияти бор. М. Қодирова, Б. Зоҳидова, Ш. Назиров, Х. Ҳакимова, И. Аминов каби тўқувчилар ана шулар жумласидандир.

«Ханда»нинг оёққа туриб олишида фабрика мусаввири Рустам Раҳмоновнинг хизмати катта. У иқтидорли ёшларни уюштириш, саҳна безатишда тиним билмайди.

«Ханда» тўгараги учун муаммоларни саҳнага олиб чиқиш осон бўлмаяпти. Қолаверса, унинг олдида талайгина ҳал қилиш лозим бўлган масалалар бор. Уст-бош, жиҳозлар, асбоб-ускуналар тўгарак учун жуда-жуда зарур. Масаланинг иккинчи томони — «Ханда» ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши лозим. Бунинг учун уюшма турли корхона ва ташкилот ёшлари билан шартнома тузиб, улар ҳузурида бўлаётир. Фарғона тўқимачилик корхонасининг Тошлоқда жойлашган нотўқима маҳсулотлар ишлаб чиқариш фабрикаси ишчилари, ҳаваскорларни ўз ҳузурларига таклиф этиб ютқазишмади. Дилдан кулишди. Барнохон Маматова, Бахтиёрхон Зоҳидова, Гулчирой Турсунованинг жозибали, дилрабо рақсларини мириқиб томоша қилдилар.

Охунбобоев ноҳиясидаги Болтакўл қишлоқ клубида ёшлар ёзилиб ҳордиқ чиқардилар. «Ханда ҳазиллари» деб номланган томоша барчага манзур бўлди. Қишлоқ аҳлининг турмуш тарзи, пахта яккаҳокимлиги, сув танқислиги муаммоси кутилмаган «ҳазиллар»га замин бўлди.

«Ханда» саҳна учун мавзуни ғойибдан танламайди. Турмушимизда учраб турган камчиликларни асос қилади. Ҳозир унинг сафида 17 ҳаваскор бор. Ҳаммаси изланувчан, ишбилармон ёшлар. Айни кунларда уюшма муҳим синовларни бошдан кечираётир. Ёшлар қалбига йўл топиб, саҳнада ўз ўрнини эгаллаш иқтидорлилар ютуғи. Мақсад ҳам шу. Ишчи ёшларнинг кайфияти кўтаринки бўлса иш ҳам унумли бўлади.

Тоҳир ШУКУРОВ,
«Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўтмишни унутиб бўлмайди

Умр оқар дарё экан, ўтиб котаверади. Эҳе, шу ёшга кириб кимларни кўрмадик. Аммо киши афсусланмаслиги учун ўтган кунни бой бермаслиги керак. Мен тез-тез ёшлар, комсомоллар даврасида бўлиб тураман. Агар улар билан учрашмасам кўнгилнинг аллақаери кемтикдай бўлиб тураверади. Сабаби шу комсомолнинг келажаги, эртанги куни учун қон кечганмиз. Бир бурда нон емасак ҳам комсомоллик бурчимизга содиқ қолганмиз.

Тарихсиз — ўтмишсиз келажакни яратиб бўлмайди. Шундай экан, ёшлар комсомолнинг порлоқ келажаги учун курашар эканлар ўтмишни албатта, ёдда тутишлари керак. Ота-боболаримизнинг яхши урф-одатини, анъанасини давом эттириш ҳам қарз, ҳам фарз. Ўз навбатида авлодлар қилган хатоларни такрорламасликлари учун ҳам тарихни яхши билиш лозим.

Менинг болалигим оғир йилларда ўтган. Эндигина оёққа тураётган мамлакатда фаровон яшаш хаёлий орзу эди, холос. Одамлар оч, юпун эдилар. Мамлакат камбағал эди. Ўт аравалар энди тилга олинаётганди. Нур чироқлар йўқ эди. Ўша очарчилик, йўқчилик даврларини, жангу жадалларни қандай енгиб ўтганимиз ҳақида кўп ўйлайман. Кейин ўз-ўзимга жавоб бераман: фақат эътиқод, ёруғ кунларга бўлган ишонч, мақсадгина кучимизга-куч қўшган.

Ўша даврларда «комсомол» номини эшитса, кимлардадир ғурур, ҳавас пайдо бўларди. Давраларда ҳеч иккиланмай фахр билан «комсомолман» дердик. Энди-чи, айрим комсомол аъзолари у ёқда турсин масъул ишдагилар ҳам комсомол нишонини тақишмайди. Фақат тантаналарда ёҳуд «юқори»дан одам келса тақиб юрадилар.. Менимча, комсомолнинг шаъни, обрўси худди шундай лаҳзадан бой берилади.

Саводсизликни тугатиш йилларида ёшлар билан ишлаш қийин кечган. Биз илк шўро мактабларининг талабалари бўлганмиз. Ҳозиргидек ёруғ бинолар қаёқда дейсиз. Оддий ўқув қўлланмалари ҳам етишмасди. Лекин билимга ташналик ҳаммасидан устун келган. Саводли бўлганимиздан сўнг жамоалаштириш учун кураш бошладик. Албатта, янги ҳаёт кураши осон бўлмади. Мухолифларимиз бизга қарши тиш-тирноғи билан қарши турдилар. Абдулла Набиев, Ғафур Султонов каби қалдирғочларимиз озодлик душманлари қўлида ҳалок бўлдилар.

Жамоалаштириш даврида ҳам комсомол катта куч бўлган. Қишлоққа ҳали трактор кириб келмаган кезда «Қизил кетмон» деб аталган уюшмага бирлашганмиз. Биз комсомоллар ўша даврларда жамоа раисларини ҳам муҳокамага қўярдик. Агар хўжалик бошқарувини эплай олмаса, раисликдан ҳам бўшатардик.

Гапнинг индаллоси, ҳар бир соҳада комсомолнинг ўрни сезилиб турган. Албатта, ҳозирги ёшларнинг ҳам кўнглини чўктириб бўлмайди. Улар катта ишларни қилишяпти. Оддийгина мисол: Марғилон шаҳрининг 70 йил аввалги қиёфаси қаёқда-ю, ҳозирги гўзаллиги қаёқда. Ёшларга айтадиган гапим: эътиқодли бўлиш керак. Она юртга муҳаббат, кекса авлодга ҳурмат, шижоаткорликни қалбларига сингдириб олсинлар. Эътиқодсизлар бор жойда яхшилик, эзгуликка умид қилиш қийин.

Ўрмонжон АҲМЕДОВ,
комсомол ветерани.

Хорижан хабарлар

ДЎСТ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛАЁТГАНЛАР

ПХЕНЬЯН. (СИТА мухбири В. Надашкевич). Бемор кишини силаб, унинг дардини олгандек, энг камида азобларини енгиллаштиргандек бўласан, — дейишади корейслар. Шу сабабдан Чернобиль АЭСида рўй берган авариядан жабрланиб, КХДЖга дам олиш ва даволаниш мақсадида келган шўро болаларига истисносиз барча корейслар хаёлан бўлсада, ёрдам беришга интилишяпти, деб айтиш мумкин.

Киев ва Брянск шаҳарларидан жумҳурият ҳукуматининг таклифига биноан бу ерга келган юз нафар бола мамлакатнинг энг гўзал тоғли манзилларида бир ой мобайнида даволанадилар ва дам оладилар.

Болаларни икки гуруҳга бўлишди. Уларнинг бири Кимган тоғларига, иккинчиси эса Меҳян тоғларига жўнаб кетди. Улар КХДЖнинг энг хушманзара гўшалари ҳисобланади. «Олмос тоғлари» деган маънони билдирадиган Кимган тоғларини жуда кўп ажойиб нарсаларга қиёс қилишади. Уларни «ўн икки минг чўққиси», шаршаралари, кўприклари, эҳромлари, тошдан ясалган ибодатхоналари бўлган Қурия ярим оролининг ажойиб безаги деб аташади.

АЛОҲИДА БОСҚИЧГА ҚАДАМ

● ГАВАНА. (СИТА). Кубадаги ҳозирги вазият шу билан изоҳланадики, мамлакат «тинчлик давридаги алоҳида босқич» даврига қадам қўймоқда, деди Куба раҳбари Фидель Кастро. Шу давр учун ишлаб чиқилган стратегик йўл шошилинч тарзда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришни кўзда тутади, деди у Гавана вилояти бўйлаб сафари чоғида.

Фидель Кастро «Гранма» рўзномаси мухбири билан суҳбатда бу вилоят мамлакат пойтахтининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашига эришиш зарур, деб таъкидлади. Ҳозирги пайтда бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари анча етишмаётганлиги сезилмоқда. У ишлаб чиқилган режалар шу йилнинг ўзида натижа беради. 1992-93 йилларда эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш энг юксак даражага кўтарилади, деб ишонтирди. Унинг сўзларига қараганда, асосий қийинчилик қишлоқ хўжалигида ишчи кучи кескин етишмаётганлигидадир. Бу муаммони ҳал этиш учун ушбу вилоятда ва бутун мамлакатда бошқарув аппаратини энг кам даражагача қисқартириш керак.

Фақат Гавана вилоятининг ўзида ўнлаб лагерь қурилади, бу ерда ишчи кучи энг кўп талаб қилинган даврларда қишлоқ хўжалик ишларига ёрдамга келадиган 20 мингдан 30 минггача шаҳарлик жойлашиши мумкин бўлади. «Агар бу ерга одамлар ҳар йили икки марта уч ҳафтадан юборилса, бу вилоятга жалб этилганлар сони 200 минг кишидан ошмайди ва шунда вилоятда мунтазам равишда 20 минг ходим бўлади», — деди Куба раҳбари.

Келгусида вилоятда ишчи кучи етишмаслиги муаммосини ҳал этиш ҳозир вазиятдан чиқишнинг ягона усули бўлган сафарбарлик ҳисобига эмас, балки қишлоқ жойларда турмуш шароитини яхшилаш ҳисобига ҳал этилади, деб таъкидлади Фидель Кастро.

Телетайп лентасидан

● ВАШИНГТОН. (СИТА мухбири Александр Королев). АҚШ конгресси сенати СССР билан АҚШ ўртасидаги иккита муҳим битимни ратификация қилди. Сенаторлар 98 овоз билан (ҳеч ким қарши овоз бермади) ядро қуроли ерости синовлари қувватини чеклаш ҳақидаги ва тинч мақсадлардаги ерости ядро портлатишлари тўғрисидаги битимларга, шунингдек, унинг протоколларига нисбатан ана шундай қарор қабул қилдилар. Шартномалар тегишли тарзда 1974 ва 1976 йилларда имзоланган бўлиб, ядро синовлари ва тинч мақсадлардаги портлатишларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори қувватини 150 килотонна билан чеклайди.

Шу йиллар мобайнида ҳужжатлардаги қоидаларга ҳар икки томон риоя этиб келган бўлса-да, уларнинг бажарилишини текшириш масаласи хусусидаги келишмовчилик туфайли шартномалар ҳозиргача ратификация қилинмаган эди.

* * *

Бу ерда ҳар йили эълон қилинадиган АҚШ Мудофаа вазирлигининг «Совет ҳарбий қудрати» ахборотномасининг навбатдаги сони тарқатилди, деб хабар беради **СИТА мухбири Николай Орехов.** Унинг муаллифлари бу йил Совет Иттифоқи ўз Қуролли Кучларини, мудофаа харажатларини, шунингдек, қуролларнинг кўпгина системаларини ишлаб чиқаришни қисқартирди, деб таъкидладилар. Айни вақтда, деб уқтиради Пентагон, СССР раҳбарияти кўпроқ ўз мамлакати ҳудудини мудофаа қилишга қаратилган янги ҳарбий стратегияни ишлаб чиқмоқда.

«Совет ҳарбий қудрати»нинг ҳозирги нашри тўққизинчи нашрдир. «Совуқ уруш» вазияти авж олган пайтда ҳар бир ана шундай ахборотнинг пайдо бўлиши албатта шов-шувли тарғибот кампаниясига айланиб кетган бўлса, бу сафар унинг Вашингтонда тарқатилишини деярли ҳеч ким сезмади.

● ПРАГА. (СИТА). 24 сентябрдан 25 сентябргача Бонида ЧСФЖ билан ГФЖ Ташқи ишлар вазирликлари вакиллари ўртасида консуллик ва ҳуқуқий маслаҳатлашувлар бўлди, деб хабар қилди ЧТК ахборот агентлиги.

ЧСФЖ ташқи ишлар вазирлиги вакилининг таъкидлашича, томонлар Германия бирлашгандан кейинги даврда ўзаро ҳамкорлик қандай бўлиши тўғрисидаги масалаларга эътиборни қаратдилар. Гап фуқаро ва жиноий ҳуқуқ, консуллик хизматлари, икки мамлакат сайёҳларига ёрдам соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида борди. Музокараларнинг қатнашчилари ўзаро манфаатдорликнинг бошқа жиҳатларини ҳам муҳокама қилдилар.

● БЕРЛИН. (СИТА мухбири Михаил Вороненков). Германия Демократик Жумҳурияти тарихида унинг ҳукуматининг сўнгги мажлиси бўлиб ўтди.

Одатдагидек, Вазирлар Кенгаши мажлислар залида эрталаб соат 8 да ички турмушнинг долзарб масалаларини кўриб чиқиш, қонунга оид ташаббусларни, кун тартибидаги бошқа масалаларни муҳокама қилиш учун ҳукумат вазирлари тўпландилар. Лекин бу мажлис бошқа мажлислардан фарқли ўлароқ, ярим тунгача давом этмади. Тушликдан кейин бошланадиган журналистлар билан анъанавий учрашувда ГДЖ Вазирлар Кенгаши Раиси Лотар де Мэзьер журналистларнинг саволларига жавоб қайтариш ва 18 март куни бўлиб ўтган сайловдан кейин 198 кун давомида иш олиб борган ҳукумат ўз фаолиятини тугаллаши ҳақида эълон қилиш ниятидадир.

Ранг-баранг олам

«БИР КУНДА»

● АМЕРИКАЛИК Том Паркер томонидан ёзилган китобнинг номи шундай. Унда муаллиф АҚШда бир кеча-кундузда қанча ва қандай воқеа-ҳодиса содир бўлишини ЭҲМ ёрдамида ҳисоблаб чиққан.

Ишонч ҳосил қилиш учун китобдан айрим мисоллар келтириб ўтамиз:

— АҚШда бир кунда 10000 нафаргача чақалоқ туғилади.

— Бир кунда мамлакатга 330000 жонивор (асосан манзарали балиқлар) олиб келинади ва 300000 жонивор эса мамлакатдан ташқарига экспорт қилинади.

— Бир кунда инсон соғлиғи учун зарарли бўлган 700000 тонна чиқинди чиқарилади.

— Бир кунда 200000 тоннагача озиқ-овқат маҳсулотлари ва 20000 енгил машина ташлаб юборилади.

Бу хабар мамлакатнинг «Нэшнл уайлд лайф» ойномасида эълон қилинган.

СУВ ЮЗИДА 20 КЕЧА-КУНДУЗ

● ЯНГИ КАЛЕДОНИЯЛИК Клодин Пар деган аёл ўз саёҳатини даҳшатли якун топади, деб ҳеч ўйламаганди.

У якка ўзи кемада Нумеядан Токиогача бормоқчи эди. Саёҳатининг еттинчи кунида океанда довул бўлди ва Клодиннинг кемаси чўкиб кетди. Яхшиямки, Клодин ҳаво тўлдирилган қутқарувчи қайиқчасига чиқиб олишга улгурди. Лекин Клодин учун энг қийин, даҳшатли кунлар энди бошланди. Чунки унда на иссиқ кийим, на озиқ-овқат, на ичимлик суви бор эди.

20 кеча-кундуздан сўнггина океан тўлқинлари қайиқчани Тонга ороли соҳилига олиб келди. Ўша ерлик одамлар қайиқчада ҳушсиз ётган саёҳатчини тезда касалхонага олиб боришди ва ҳаётини сақлаб қолишди.

ЭРИНЧОҚ ПОЧТАЧИ

● ВЕЛИНГТОНГА яқин ноҳиялардан бирирдаги суд ҳайъати одатдан ташқари ишни кўриб чиқишди. Унда почтачининг эринчоқлиги учун жазо чораси белгиланди.

20 ёшли Марк Элли шу йилнинг апрель-май ойларида почтачи бўлиб ишлаганди. Лекин рўзнома ва ойномалар у ёқда турсин, ҳатто жўнатилган пулларни, посилкаларни ҳам эгаларига тарқатмаган. Ҳаммасини уйига яшириб қўяверган.

Полиция тинтув қилганда уйидан 2 минггa яқин жўнатилган пул қоғози ва пул счётлари, деярли шунча хат ва 155 та посилка топилган.

Марк Элли судда ўз қилмишига иқрор бўлди ва бунга ўзининг эринчоқлиги сабаб бўлганлигини айтди.

МУҲАББАТСИЗ ЯШАМАНГ, ДЎСТЛАР

(ЭССЕ)

Мен ушбу мақолани ёзишдан олдин долзарб ва умрбоқий мавзулар ҳақида ўйладим. Ўз ўйларимга ҳамоҳанглик излаб атрофни кузатдим. Кўчаларда тинмай қатнаётган машиналар шовқини қулоғимни батанг қилди. Мана шу кўчаларда бир пайтлар аравалар ёғсираган гупчакларини ғижирлатиб қатнаган. Улар, бугуннинг назари билан минг йиллик тарихга, минг йиллик кўчаларга кириб кетишди. Бугуннинг автоуловлари, «тиғиз» кўчаларда елиб, югуришмоқда. Атрофдаги юксак бинолар пештоқига битилган долзарб шиорлар ва хитобларга кўз югуртираман: «Қайта қуриш — давр талаби!», «Пулларингизни омонат кассаларда сақланг!», «Уйингизга ўт тушганда 01 га зудлик билан телефон қилинг!» Мен улардан ўз хаёлларимга ҳамоҳанглик излаган эдим. Қайта қуриш ҳақидаги шиор , унинг ўзи каби ўша юксакдан пастга тушгиси йўқ. Омонат касса ҳақидаги гап ҳам одамни ғижинтиради. Уйга ўт тушишига келсак, уйим бўлмагач, унга ўт қаёқдан тушсин! Шунда... Кўзим хиёбондаги дарахтлар остига ўрнатилган ўриндиқда ўтирганча бир-бирига мусичадай термулган йигит ва қизга тушди. Қўним тополмай учиб юрган ўйларим уларнинг шундоқ ёнидан қўнолға топди. Йигит ва қиз. Муҳаббат. Мен уларга ҳалал бермоқчи эмас эдим. Фақат йигитнинг кўзларидаги ўт-олов, қизнинг юзларидаги қирмизи ёлқин мени шубҳалантириб қўйди. Улар бизнинг аср одамлари эмасдек. Йўқ, кийим, либосларига нисбатан айтаётганим йўқ бу тахминни...

Қизнинг эгнидаги зар атлас бундан бир ҳафта бурун марғилонлик атлас тўқувчи косибнинг дастгоҳидан чиққани кўриниб турибди. Йигитнинг эгнидаги кўйлак ҳам бир ойча олдин чайқовда пайдо бўлган «ХУРИКС» маҳсулоти. Фақат кўз қарашлар, алвон ёноқлар...

— Кечирасиз, соат неча бўлди? — сўрайман йигитдан.

— А, и-е, соатим тўхтаб қолибди, — жавоб берди йигит билагидаги энг янги электрон қурилмали вақт машинасига кўз ташлаб.

— Айтгандай, ҳозир нечанчи йил?

— Ўн йил кам йигирма биринчи аср. Тўғрироғи ундан ҳам камроқ! — дейман уларнинг шубҳали кўринишлари боисини англарканман.

— Вой, ўлмасам, уйдан чиққанимда учинчими-тўртинчими аср эди. Ойим роса уришадиган бўлдилар. Қиз дик этиб ўрнидан турди-да, кета бошлади. — Кузатиб ўтирманг. Кўриб қолишлари бор.

Қиз кўздан ғойиб бўлгунча қараб қолган йигит бунга мен айбдордек ўқрайди.

— Келади ёки ўзингиз чақирасиз, — дейман йигитга тасалли бериб.

— Қаёқда, ойда, йилда бир учрашамиз. Бу орада Қайс деган дўстим Мажнун номини олди. Фарҳод Ширин деб, Ширин Фарҳод деб ҳалок бўлишди. Биз эса ҳали ҳам ўлиб-ўлмай, бир-биримизга етолмай юрибмиз.

— Наҳотки, бунинг иложи бўлмаса? — дейман йигитдан кўпроқ гап олиш мақсадида.

— Менингча, муҳаббатнинг бир завқи икки дилнинг бир-бирига етиша олмаслигида бўлса керак.

— Етишса нима бўлади?

— Унда йигит — эр, қиз эса хотин бўлади. Қўш ҳўкиз. Куласизда!

— Демак, муҳаббат то турмуш қургунча керак экан, холос, шундайми?

— Қаёқда, биз ҳали турмуш қурмаганмиз. Агар ўзлари бўйниларига ола хуржун илган бўлсалар, буни мендан сўраб нима қиласиз? — у шундай деб хиёбондан чиқиб кетди.

Умрбоқий мавзу оғушида мендан узоқлашаётган йигитни кўзларим билан таъқиб қилганимча унга ҳали шу пайтгача номаълум бўлган, турмуш қутисидаги сўнгги муҳаббат, бечоранинг тақдири ҳақидаги мулоҳазаларга берилдим.

Негадир севиб, севилиб қурилган турмушларнинг ҳаёт аталмиш серпўртана денгизда суза бошлаган кемаси тезда ғарқ бўлиш ҳоллари кўпроқ учрайди? Боиси нима? Айб кимда? Чунки севган қалблар тенг ҳуқуқ талаб қилади, гўё бир қозонда қайнамайдиган қўчқор каллаларидек. Лекин «Муҳаббатсиз яшаманг!» дейди шоир. Унинг таъкидлашича: муҳаббатсиз «пичоқ нонни кесолмайди», «ўчоқ тутун қайтаради».

Менинг назаримда, ҳар бир инсон билан бирга унинг муҳаббати — кўзга кўринмас қуёши ҳам пайдо бўлади. Бу қуёш илк муҳаббат чоғида ўзининг энг ҳароратли, ўткир шуълаларини таратади. Сўнг иккинчи — навбатдаги муҳаббат кейин учинчиси... Ва ҳар гал бу қуёш парча-парча бўлиб кичраяди. Уни бутунлигича сақлаганлар ҳам бўлади. Бироқ бу бутунликка ҳавасингиз келмай қўя қолсин. Бизнинг шоирларимиз ва адибларимиз аиа ўша бутун севгини тарғиб қилишни хушлайдилар. Бир умрлик вафодорлар ҳақида мадҳиялар тўқишади. Бироқ «Дунёда одамзод яшамас ахир фақат иродани синамоқ учун» (Абдулла ОРИПОВ).

Бу қуёш парчалари, муҳаббат булаклари севган, севаётган юракларимиз орасига эмас, туғилган фарзандларимизнинг юзига, кўзига кўчиб ўтганда дўппингизни осмонга отсангиз арзийди. Муҳаббат қуёшининг энг тансиқ неъмати фарзандингиз кўзидаги учқундир. Бу учқун ўша қуёшнинг кичкина булаги. Бундай бўлинишларнинг кўпайиши яхши... Муҳаббатсиз яшаманг дегани ҳам шу. Бу қуёш парчалари атрофингизни қуршаб олганда, муҳаббатнинг инжиқликлари, рашку ранжлари тумандай тарқайди. Умрбоқий муҳаббат долзарб мавзуга — оила мавзусига айланади. Сиз унинг умрбоқийлигини ёшларга қолдираверинг! Улар ҳам бир куни бу мавзуни «долзарб»лаштириб оладилар.

ОЛЛОЁР.

Сизни баҳсга чорлаймиз

Оила—абадий мавзу

Рўзғор — ғор. Бу ўхшатиш фақатгина рўзғорнинг моддий кам-кўстлари ва уларнинг тугамаслигига нисбатан эмаслигини, оилавий турмушнинг ҳар икки томонга ҳам тушунилиши қийин бўлган сирлари, кутилмаган муаммолари, тасодифий қувончу ташвишлари билан ҳам қоронғи ғорга ўхшаб кетишини йиллар ўтган сайин чуқурроқ англаб бораркансан.

Жамиятнинг мустаҳкам ёки мўртлиги оила иморатларининг мустаҳкам ёки мустаҳкам эмаслигига боғлиқ. Бу кўҳна ва абадий ҳақиқат. Шунинг учун тўртта одам тўпланган жойда ҳам, радио эшиттиришларию, ойнаи жаҳон кўрсатувларидан тортиб, матбуот саҳифаларида ҳам кўпчиликни қизиқтирган мавзу — оилавий ҳаётга энг кўп вақт ва жой ажратилади. Турмуш ҳақида сабоқ бергувчилар, ён-атрофдагиларнинг ҳаёт тарзини таҳлил этувчилар, қай бир эрни, қайсидир хотинни оқлагувчи ёки қоралагувчилар ҳам кўп. Илгарилари маҳаллаларнинг ҳаёти кафт устида эди, агар бирор эру хотиннинг турмушига аралашиш зарур бўлиб қолса, бу вазифа ишониб топшириладиган отахон ва онахонлар бўлардилар. Бугунги кунда мазкур масъулиятга тайинлаб қўйилганлар сафи ҳам кенгайиб кетди: хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла қўмиталари, ўртоқлик судлари, суд ва прокуратура... Ҳаттоки, олти-етти болали аёлнинг ўз эридан шикоят қилиб ёзган хатини текширгани ҳали турмушга чиқмаган қизлар тарақлаб кириб келавередилар... Ачинарлиси, азбаройи қўйчивон кўпайиб кетганиданми,, эртаиндин турмушга чиқадиган қизларимизга оилавий ҳаётдан сабоқ берадиган, рўзғори бузилишини истамаса-да, бир-бирининг тилини, дилини, тополмаётган келин-куёвларга тўғрироқ йўл-йўриқ кўрсатадиган «Эрдан ажралсам, оч қолармидим!» деб калта ўйлайдиганларни озгина бўлса-да, ҳушёр торттирадиган, бугун белидаги қуввату чўнтагидаги давлатига ишониб қанча бахтиёр лаҳзалар ва неча йиллик умрнинг мевалари бўлган фарзандларини етим қилиб ташлаб кетаётган «ота»ларни эртанги куннинг аччиқ ҳақиқатларидан огоҳ этадиган ҳаётий ва дилкаш рисолаларимиз йўқ ҳисоб!

Оилавий келишмовчиликлар эр ва хотин маънавий дунёлари мувозанатининг бузилиши оқибатидир. Лекин, афсуски, ҳозир биз ёзаётган ва минбарлардан маъруза қилаётган ақл ўргатар мақолаю нутқларимизда турмушимизнинг бу жиҳатларига деярли эътибор йўқ. Рўзномалар, ойномалардаги «оила мавзуси»да босилган мақолаларни ўқийсан: ҳаммаси айрим-айрим воқеалардан чиқарилган жузъий хулосалар, юзаки таҳлиллар, бир-бирига эгиз ўгитлар...

Ҳолбуки... «Хотинимнинг бир ўнгланмас одати эрта тонгдан жаҳлимни чиқаради, — деб ёзади ёш йигит, — тиш сиқмасини ҳамиша энг юқорисидан сиқиб чиқариб ишлатади. Унга «Сиқмани пастки томондан сиқиб ишлатсанг, бошқаларга ҳам ўнғай бўлади», — деб неча бор айтганман, энди индамай қўйдим. Аммо хотинимнинг бефаросатлиги ва беписандлигидан безор бўлдим!» Баъзилар бу фикрни бачканаликка йўйиши мумкин. Бироқ тўғри гапнинг майдаю каттаси бўлмайди. Энг нозик томони шундаки, бир қарашда арзимасдек туюлган гап-сўз, қилиқ, одат, ҳаракат ғашингга тегиб такрорланаверса, эр ва хотиннинг ўртасига бир умрлик совуқчилик тушириб қўйиши ҳам мумкин. Ана ундан сўнг катта можаролар бошланади. Юқоридаги хатда ёзилганидек, беписандлик, назарга илмаслик қабилида қабул қилиниб, ҳар икки томонни қийнаб қўйиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Айтайлик, бир зарур юмуш билан бандлигингиз туфайли ишдан қайтган турмуш ўртоғингизга пешвоз чиқолмадингиз. Айни шу куни уйга тажанг бўлиб қайтган эрингиз сизни ўзига нисбатан ҳурматсизликда, эътиборсизликда айблаши мумкин. «Бекор ўтирганим йўқ-ку, ҳар куни кутиб олардим-ку... Бир мартагина-я....» — дейсиз хафа бўлиб. Агар шундай пайтларда ҳар иккала томон ҳам ўзининг ҳақлигини исботлашга киришса борми, худо кўрсатмасин!

Ҳар бир оиланинг ўз ҳаёт тарзи бор. Бундан ташқари оила аъзоларининг ҳар бирининг касби, қандай шароитда улғайиб, тарбия топгани, руҳий олами, дунёқараши ва одатлари борки, улар билан ҳисоблашмаслик мутлақо мумкин эмас. Ҳаётда ўғрилик, қотиллик, бузуқлик, хиёнат каби қилмишлар кечирилмас гуноҳ, инсон шаънидан ювилиши мушкул доғ саналади. Лекин оилавий қўйди-чиқдиларнинг сабаблари билан танишгудек бўлсангиз, уларнинг тўқсон фоиздан кўпи бундай гуноҳи азимлар туфайли эмаслигини кўрасиз. «Табиатимиз тўғри келмади» дейди аксарият ажрашганлар. «Табиатимиз тўғри келмаяпти» дейишади баъзилар оила ва болалар тақдирини аро йўлда қолдирмоқни чоғлаб. Тўғри, одам дунёда бир мартагина яшайди, кўнгли тўлиб, ўтган умридан рози бўлиб кетишни истайди.

«Рўзғор қилишни чидаганга чиқарган» дейдилар кўп иссиқ-совуқларни бошдан кечирган кексалар. Чидамоқ, балким нозик кўнгилларга йўл топмоқ, қайсар дилларни мулойимлик билан қуйилтирмоқ, асов табиатлиларни меҳру сеҳр ила ўзингга ром этмоқ, умидсизларни руҳлантирмоқ, қалб кўри кул босганларга ҳарорат қадрини англатмоқ деганидир! Эҳтимол, бу англаш ва англатиш жараёнида меҳнатдан боши чиқмай, рўзғор саришталигию осойишталиги учун кечаю кундузни фарқламай куймаланса-да, кўнгли бир оғиз ширин сўзга, руҳи яқин ҳамдардга, пешонаси энг яқин кишисининг илиқ кафтига муҳтож бўлган дугоналарим, опа-сингилларим ўзларини бир қадар тутиб олсалар, бир-биридан кескин бўлган ҳаётий муаммолардан толиққан эркакларимиз ҳам оиладаги ҳар қандай кўнгилсизликнинг олдини олиш учун имкон ва илож топиб қолсалар, ажаб эмас...

Бу ёғига ўзингиз қўшимча қилишга уриниб кўринг, азиз ниятдошим!

Муҳтарама УЛУҒОВА,
шоира.

Муҳаббатнома

Жўнатилмаган мактуб

Сенга етгунича мактуб
бўзариб,
Оташ ўйлар илиб қолиши
мумкин.
Сенга етгунича дағал
сўзларим
Анча силлиқ бўлиб
қолиши мумкин.
Чопар тулпор эмас,
тошбақа миниб
Тошдек режа тузиб
борса не ажаб!
Қўлига қамчимас,
қаламни олиб
Мактубимни бузиб борса
не ажаб!
То унга ишониб яшармиз
Гулим,
У нуқул ёлғонни жавраб
яшайди.

Худомас, у сохта
оллоҳнинг қули,
Мени алдаб, сени авраб
яшайди.
Илож йўқ, хатимни
бераман унга,
У барин ўқийди, тўқийди
зеро.
Мактубимни йиртиб
қўймасин дея —
Унинг ҳаққига ҳам
ёзурман дуо.
Тушунгин, мен сенга
етишим керак,
Қўшиғимни сенга
айтишим керак.
Ўзингни ўзингга обдон
танитиб,
Сўнг сени кўкларга
элтишим керак.
Бир кун синиб кетса,
сабрим косаси,

Айт Гулим, дардимни
қайга жойлайман!
Ҳу оппоқ, энг баланд
қояга чиқиб,
Овозим баралла қўйиб
куйлайман.
«Мен сени севаман!» —
дейману, шу зум,
Кетаман ё мени олиб
кетишар.
Сенла-биз кўкларга
етамиз Гулим,
Улар бу ғурбатда қолиб
кетишар.
Ҳозирча сен у ёқ, мен бу
ёқдаман,
Мактублар битаман,
то ожиз тилим.
Мен энди ёзишни
ўрганмоқдаман,
Сен ҳам тезроқ ўрган
ўқишни Гулим!

Зафар КОМИЛОВ.



Бир рубобнинг икки тори



КЕЛИНЛИГИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!

Сураткаш Жўра БОБОРАҲМАТ.

Савол биздан—жавоб сиздан

Эркакларга 10 савол

Азиз дўстлар!

Ўқиган бўлсангиз, саҳифамизнинг ўтган сонларида биз ўн гулидан бир гули очилай деб турган ёш йигит-қизларимизнинг севги ва оила тўғрисидаги орзу армонлари билан ўртоқлашишга, кейинроқ турмушидан ажрашишга мажбур бўлиб қолган юртдошларимиз билан ҳасратлашишга, дардлашишга уриниб кўрдик. Бугун эса халқимизнинг асрлар синовидан ўтган «Эр суйганни — эл суяр» деган доно нақлини эслатиб туриб, уйимизни ҳам, кўнглимизни ҳам тўлдириб яшаётган хонадон соҳибларига — оила деб аталмиш улуғ хонадоннинг ижодкорларига ўн савол билан мурожаат қилиб, уларни ҳам дил суҳбатига чорлашга жазм қилдик.

1. Севиб уйланганмисиз? Рафиқангиз тўйдан сўнг ўзгардими?

2. Хотинингизга вақти-вақти билан муҳаббат изҳор этиб туриш керак деб ўйлайсизми ёки бунинг аҳамияти йўқ деган фикрдамисиз?

3. Хотинингизга совға қилган нарсангиз ёқмай қолса, кимдан хафа бўласиз?

4. Қизингиз улғайганда ўз онангизга ўхшашини истайсизми ёки умр йўлдошингизга?

5. Хотинингизнинг фарзандларингизга бўлган меҳри туфайли, унинг назаридан четда қолаётганингиздан хафа эмасмисиз?

6. Айтинг-чи, (аввало узр!) рафиқангиздан бошқа аёл билан ҳам учрашгингиз келадими? Бунинг сабаби нима?

7. Айтайлик, хотинингиздан бошқа маҳбубангиз ҳам бор. Сизни бу йўлдан қайтариш учун рафиқангиз нималар қилса бўлади?

8. Ишга кетаётганингизда ёки қайтганингизда хотинингизнинг қандай кузатишини ва қандай кутиб олишини, нималар дейишини истайсиз?

9. Рафиқангизнинг ишдан нохуш кайфиятда қайтиши сизга малол келмайдими? Унинг юқори лавозимга кўтарилишини истайсизми?

10. Мабодо, хотинингиз онангизнинг дилини қаттиқ ранжитса, уни бутунлай кечира оласизми?

Куйган кўнгил нидолари

Жумҳуриятимизда Меҳнат Қизил Байроқ орденли ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси — Тошкент тўқимачилик корхонаси фаолият кўрсатади. Корхонада 12 мингдан зиёдроқ ишчи меҳнат қилиб, унинг 8 мингдан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади. Бирлашмага қарашли 24 та ётоқхонанинг 9 таси — қизлар, 5 таси — оилалилар ётоқхонаси ҳисобланади. Юқоридаги рақамлардан ҳамма нарса кўнгилдагидек экан, деган хулосага келарсиз! Хулоса чиқаришга шошилманг.

Корхонага кириш жойини кузатгудек бўлсангиз, ишчиларнинг кўпчилиги ёш қизлар эканига ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Тўғриси, оғир дала меҳнатидан воз кечиб, бирлашмага ишлаш учун келган қизларнинг бу ишлари ёмғирдан қочиб, дўлга тутилишдек гап.

Ўтинаман, алдаманг бизни...

Ҳар куни ишга ўтар эканман, ётоқхоналардан бирининг ҳовлисидаги қатор илинган кичкинтойларнинг кийимларини кўриб ҳайрон қоламан. Қизиқ, бу бино қизлар ётоқхонаси-ю, унда анави иштончалар қаердан пайдо бўлдийкин?

Саволимга жавоб топиш мақсадида ётоқхонага кириб бораман. Йўлак бўйлаб борар эканман, олдимдан югуришиб ўтган икки қизчанинг шодон қийқириғи, хонадан эшитилаётган чақалоқ йиғиси мени беихтиёр ҳушёр торттиради. Зулфияхон асли андижонлик бўлиб, 1966 йилда туғилган эканлар. У Тошкентга яхши ният билан келиб, тўқимачилик олийгоҳининг кечки бўлимига ўқишга киради. Корхонада ишлай бошлагач Б. исмли йигит билан танишиб унга кўнгил қўяди.

— **Оиласи борлигини билардим. Бироқ у: «Ажрашганман, сенга уйланаман» дерди доим. Уни яхши кўрганим боис ишондим. Кейин билсам, иккита боласи бор, хотини билан ажрашмаган экан. Аммо бўлар иш бўлган эди...**

Бу сергавғо дунёга адашиб келган, истакка қарши туғилиб қолган Нуриддинжонга тикиламан. Нақ ерга урсангиз, кўкка сапчийди. Онасига бир дам ҳам тинчлик бермайди ширинтой. Хона саранжом-сариштa, озода. Бир киши учун зарур бўлган стол, стул, каровaт, ойнаи жаҳон, болалар каровaтчаси, жавон, гуллар. Лекин стол оёғининг қимирлаб туриши, жавон эшигининг яхши очилиб-ёпилмаслиги хонада эркак кишининг қўли етишмаётганидан далолат бериб турарди.

— **Н. билан ишга кирган йилим танишганман. Аввал ёқтирмаганман. Кейин яхши кўриб қолганлигимни билдим. Икки йилдан сўнг оиласи борлиги маълум бўлди. Бироқ кечикдим... Туғруқхонага тушишимдан бир ҳафта олдин келиб, уйига кетаётганини айтди. Ўғлим Шуҳратжон туғилди. Сўнгра онда-сонда келиб турарди. Ҳар сафар келганида пушаймон қилишимни айтавериб, жонига тегдим чоғи — бутунлай келмай кетди. Кейин... Табиий эҳтиёж туфайли Б. билан учрашиб турардим. Бола қилмасликка келишувдик. Аммо...**

Наргиза ҳам шу ётоқхонада туради. Унинг ҳасратларини тинглай туриб беш ёшли ака ва яқиндагина дунё юзини кўрган сингилга қараб, дарду дунём қоронғилашиб кетди. Улар бир-бирларига тамомила ўхшамас эдилар.... Қўшни хонага кираман. 24 ёшли Тожинорнинг нолалари ҳам Наргизаникидан кам эмас.

Қисқаси, ётоқхонадаги суҳбатлар давомида қилган гуноҳлари учун ўкиниб, дил-дилдан азоб чекаётган бирорта ҳам ёлғиз онани учратмадим. Улар қайсидир маънода ўзларини ҳақ деб билардилар. Гуноҳларининг ҳосиласи бўлган боласини жеркийдилар, турткилайдилар, туғилиб қолганликлари учун гўё уларнинг ўзлари айбдордек! Саволлар эса бағримга тиғ янглиғ санчилаверади. Улғаяётган гўдак кимни «ота!» деб атайди? Қизлар, йигитлар ётоқхоналари алоҳида-алоҳида-ку! Унда бу ишларга қачон ва қаерларда улгуриш мумкин! Эҳтимол, ётоқхоналарни алоҳида-алоҳида бўлишлари маълум маънода тўғри эмасдир. Чунки тақиқланган нарса ҳамиша сирли ва қизиқарли бўлиб туюлади, кишига. Балки, қизлар билан йигитлар бир ётоқхонада яшасалар, бу уларни ўта даражада бемаъолликдан, қўполликлардан асрар, бир-бирларини яқиндан билишга, яшаш жойларини саранжом тутишларига имкон яратар! Бунинг устига, ёлғиз оналар билан ёш қизларнинг бир ётоқхонада туришлари ҳам нотўғри. Негаки, улар орасида иккинчи, учинчи сменада ишлайдиган, кечки ва сиртқи бўлимларда таҳсил оладиган толибалар бор. Кичкинтойларнинг шовқини ёш қизларга ёқмайди. Бу эса қизлар билан ёлғиз оналар ўртасида хижолатли гап-сўзлар бўлиб ўтишига сабаб бўлади. Энг муҳими, ётоқхонага янги келган қизларга муҳит ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. бу эса ёлғиз оналар сонининг кўпайиб кетиш хавфини туғдиради. Қизларнинг ота-она бағридан чиқиб, бирданига «эркин қуш»га айланишлари, моддий етишмовчиликлар, соддалик, келажакни кўра билмаслик, қисқаси, иродасизлик, маънавий оқсоқлик бу фожиаларнинг асосий илдизларидир.

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи,
ТошДД толибаси.

КЕЧИКИБ ҚОЛМАНГ, ТАҒИН

Рўзномамизга келаётган мактубларнинг сони кун сайин ошиб бораяпти. Жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан хат йўллаган муштарийлар турли муаммолар тўғрисида фикр билдиришган.

Рўзномамизнинг «Бир рубобнинг икки тори», «Табиат ва биз», «Камалак» саҳифалари, «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари», «Бизни ўйлантираётган муаммолар», «Нуқтаи назар» ойнасўзлари остида берилаётган мақолаларида турмушимизнинг ижтимоий масалалари қаламга олинганди.

Ватанпарварлик мавзуси ҳам рўзномамиздан кенг ўрин олган. Афғон қирларида байналмилал бурчини ўташда ногирон бўлиб қайтган йигитлар тўғрисида бир нечта мақолалар берилди. Ўйлаймизки, спорт шинавандаларининг ҳам кўнглига чуқурроқ кириб бордик. Бу борада келгуси йилда янада яхшироқ, муштарийлар диққатини жалб қилувчи сермулоҳаза мақолалар бериш ниятидамиз. 1991 йил учун рўзномамизга обуна бўлиш аллақачон бошланиб кетган.

Обуна бўлиш учун ноҳия, шаҳар, вилоят алоқа бўлимларига, жамоа ва давлат хўжаликларининг обуна масалалари билан шуғулланувчи мутасаддиларига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Ёш ленинчи» рўзномамизнинг баҳоси бироз қимматлашган.

Бир йилга 12 сўм.
6 ойга 6 сўм.

Ўйлаймизки, муштарийларимиз севимли рўзномалари учун бунча пулга оғринмайдилар.

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

Бухоро Давлат педагогика институти — 60 ёшда

Йиллар тўфонидан ўтиб

Куни кеча Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро Давлат педагогика институти ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлади. Шу муносабат билан сўзни олийгоҳ комсомоллари етакчисига берамиз.

Комсомол! Бугун бу номни эшитиб кўпларнинг энсаси қотадиган бўлдики, жуда кам одамнинг кўзида қувонч акс этади. Минг афсуски, комсомолни қоралаб, унинг кераги йўқлигини бор овози билан айтаётганлар бир гапни ўйламайдилар: «Бу ташкилот турғунлик қўйнида қолганида қайғурдимми?»

Шу фикр мени кўп қийнайди. Не бўлганда ҳам комсомол оғир йилларда қўл ковуштириб ўтиргани йўқ. Муҳими, вақтида бу ташкилотга астойдил эътиқод қилувчилар кўп бўлган. Зеро, комсомол тарихида ажойиб саҳифалар бор...

Шу маънода 60 йиллик тарихга эга бўлган дорилмуаллимин комсомоли бугун ўтган умрини сарҳисоб қиларкан, айтишга арзигулик кўп нарса борлигини қувонч билан таъкидлашга ҳақлидир.

Ф. Хўжаев номидаги «Ҳурмат Белгиси» орденли Бухоро Давлат дорилмуаллимини комсомол қўмитаси 1930 йил октябрь ойида ташкил топган. Ўшанда унинг сафида 32 комсомол бор эди. Ҳадича Атоева, Саодат Бақоева кабилар дорилмуаллимин комсомол қўмитасининг илк қалдирғочларидир. 1931 йилда эса комсомол сони 104 кишига етди. Йилдан-йилга иш қизғин тус олиб бораётган эди...

Шоир айтганидай, фашист деган қузғун халқ тинчини бузди. Она-Ватанни ҳимоя қилмоқ даркор эди. Дорилмуаллимин комсомолларидан 47 киши биринчилардан бўлиб фронтга жўнаб кетдилар. Қолган комсомоллар эса «янгийўлликлар» ташаббусига қўшилиб, стипендияларини тўлалигича бир кунлик иш ҳақлари билан қўшиб жангчиларга кийим-кечак сотиб олишга сарфладилар. Оловли йиллар ўтди, уруш тугади. Энди комсомолларимиз тинч меҳнат қўйнида шижоат кўрсата бошладилар.

50-йиллардан бошлаб дорилмуаллимин комсомоллари меҳнат таътилларини Бутуниттифоқ талабалар отрядлари сафида ўтказа бошладилар. Ушбу нарса ҳозирда анъанага айланиб қолди. Талабалар отрядлари ҳар йили мамлакатимизнинг маълум бир шаҳрида бўлиб, халқ хўжалигини юксалтириш йўлида фаоллик кўрсатмоқдадалар. Бундай отрядлар ўртача ҳисобда 300—400 талабани ўз сафига бирлаштирмоқда. Айтайлик, талабалар отрядлари Аму—Бухоро канали қурилишида, зилзиладан сўнгги Газлини тиклаш ишларида иштирок этдики, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

60 йил мобайнида 174 комсомол аъзоси БЛКЕИ МҚнинг кўкрак нишонини ва СССР Халқ таълими давлат қўмитасининг «Аъло ўқиганлиги учун» нишонини олишга муяссар бўлди.

Турли йилларда дорилмуаллимин комсомол қўмитасига котиблик қилган ҳурматли кишилар борки, бугун уларнинг хизматларини таъкидламай бўлмайди. Профессорлар А. Атоев, С. Иноятов ва Э. Қиличевлар, катта ўқитувчи Р. Байбурин, дорилмуаллимин фирқа ташкилоти котиби Р. Ҳолиқова кабилар шулар жумласидандир.

Хуллас, дорилмуаллимин комсомоли тарихи бойки, биз баъзиларинигина айтиб ўтдик. Юбилей йилида комсомолларга йиллар тўфонини енгмоқ учун бардошли бўл, деймиз.

Ж. МУРТАЗОЕВ,
Ф. Хўжаев номидаги Бухоро Давлат педагогика институти комсомол қўмитаси котиби.



СУРАТДА: олийгоҳнинг комсомол етакчилари чапдан ўнгга О. Бўронова, А. Чўлилев, Ж. Муртазоев, О. Илинжонов, Г. Юсуповалар навбатдаги иш режалари хусусида суҳбатлашмоқда.

Суратчи Ҳ. ҚУРБОНОВ.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР



Шоирлик нимадир?

Хорлиғлар, зорлиғлар кўрлиғлару зўрлиғлар дунёсида шоирлик нимадир?

Йўқлик даштида, жунун водийсию таназзул саҳросида шоирлик нимадир?

Азизу авлиёларининг руҳи чирқираб ётган, латтазор чинорлари бўзлаб, нураган обидалари Надомат тўкаётган да шоирлик нимадир?

Сувни ёндиргувчи ўтмидир у ё ўтни ўчиргувчи сувмидир? «Гул»га қофиядош «кул»мидир ё?

— Шоирларнинг бари ерда туғилиб, осмону фалакда ўлади, — дейди шоир дўстим. —, Бошқасини билмайман.

Унинг ранги дардчил, дийдалари остида бир жуфт безовта қуш ин қурган. «Меркурий» яктак кийган бўлсада, яхшилаб тикилсангиз, озиб-тўзиб кетган жуссаси ичра юраги кўринади. Уни эл рағбатига сазовор қилган унинг шеърлари, сатрларидан дил қонию, кўз ёш томчилаётган, байтларидан киприклар, гулбарглару капалаклар тўкилаётган шеърлари. Шеърият.

Ширин азоб экан, жонни
Ёқмоқ экан.
Бир қўлда гул, бир
қўлингда
чақмоқ экан...

Бу — бир ишора, бир тимсол. Жисм ила руҳ тун-кун шовуллаб ётган бир боғ, бу боғнинг кўкламлари бор, баргрезон фасллари бор. Руҳ иқлимлари замон обҳавосини ўзгартмоқ истайдир, лекин —

Қодир, қандай экан
яшамоқ бахти? —
Гоҳ уриб, гоҳ тиниб
турганда юрак...
Ҳаммасини билиб яшамоқ
оғир,
Субҳи содиқ кўриб дўст
юзида ранж,
Қўлингдан ҳеч нарса
келмай шеър ёзмоқ —
Опангни алдашдек осон
ва жирканч.

Унинг номи назм мажлисларида, камбағалларнинг тўйларию гурунгларида, навосозлар йиғини ва базмларида кўп тилга олинади. «Булар шеърни спекуляция қиляпти» деб зоҳиран шеърият учун куюнаётган, лекин белида уни кўролмаётган каслардан, аларнинг ғаразнок саслари дан фарқли ўлароқ хайрихоҳ овозлар кўпроқ, шеърларини кўнгил жилдларига жойлаб ардоқлаётган, суюнаётганлар кўпроқ. Замон эса тараққиётда, туз ҳам, гугурт ҳам талаш, ор-номус тақчил, меҳру мурувват ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш тараддудида.

Дўппи киймай қўйди
одамлар.
Кўнгил эса кўрмоқ
тусайди.
Маданият гуллаган
дамлар
Каллага эътибор
сусайди.

Шеърларда даъво йўқ, бодилик йўқ. Улар мен билан сиздан дунё сўрамайдирлар, улар кўнгил гулзорининг шавқ шамолларидан шовуллаб тўкилган япроқларидирлар, бу япроқларнинг айримлари хазон бўлмоққа мойилроқ эрсаларда, бу ҳам унчалик оғир ботмайди. «Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?» — бир боғнинг шафқати беркиниб ётган бир япроқ бу. «Қадаҳ кўтариш ҳам одоб тусига киряпти» деб тўйда тилак билдираётган юрт қозиси учун бу япроқ бир барг, холос, лекин жайрон кўзларини далаларниг ғубори чулғаган заъфарон сингиллар учун бунда бир дунё эпкинлар бор.

Энди тилак ҳақида. Биз умр бўйи тилак айтамиз, тилак билдирамиз, тилак истаймиз. Майга қоришган тилакларнинг қанчаси майшишалардай қолиб кетди. Лекин дунёда яна бир тилак бор, «Энг содда тилак»:

Ҳар кимнинг ҳам
сочларига оқ тушсин,
Ажин тушсин юзларига,
доғ тушсин.
Ҳар кимнинг ҳам қувват
кетиб белидан,
Қўлларига асо — бир
таёқ тушсин.
Имони соф, юзга кириб
ёруғ юз,
Тўйлар кўриб елкасидан
тоғ тушсин.
Ва жисмига сўнгги сафар
пайтида
Ўз боласин қўлидан
тупроқ тушсин.

Муҳаммад Юсуфни болалар яхши кўради, хижолатдан қабоси ҳилпираётган лолалару тўйга қатлама қатлаётган кайвони холалар яхши кўради. Ярим кечаси чангга қоришиб «оқ олтин» ортаётган ўспирин деҳқон хиргойи қилади: «Қўйнимда бир ё-ёр, кўнглимда бир ё-ёр». Саккизинчида ўқийдиган жиян вақт бемаҳалда нолишга тушади: ...«Кўзимнинг ёшлари тўхтамас, ё раб!» Каззоблар ҳам унинг шеърларин ёд билишади. Унинг эса иши йўқ, давраларни билдирмайгина тарк этади, билдирмайгина ўксинади, билдирмайгина бир ёқларга сафарга кетади. Ўспирин деҳқон эса қўйнида бир хирмон пахта ҳануз хиргойи қилиб ётибди, жияннинг «кўзёшлари» ҳали ҳам тўхтагани йўқ, эл пахта теряпти, ариқнинг бўйига тушликка чиққан қиз-жувонлар, йигитчалар ҳисобчининг эски «ВЭФ»ига қараб «Охунжон битта айтсайди» дея илҳақ ўтиришибди, мен эса... мен эса бу ёқда шоир дўстим шарҳи ҳолини ифодаловчи бирор тузук сўз тополмайин доғдадирман. Дарвоқе, сўз на ҳожат? «Меҳр қолур, муҳаббат қолур». Шу сўзларнинг ўзи ҳам шеър, ҳам шарҳ. Қўлимдан келгани бир ғазал, шуни Муҳаммад Юсуфга бағишладим:

Дил букун, бошдин
оёғим дил букун.
Ҳар қарору ҳар қароғим
дил букун.
Дилдин ўзга қолмади
манзил манга,
Энг яқин ҳам, энг йироғим
дил букун.
Зулму зулматзодалар
зулмонида
Беомон ёнган чироғим
дил букун.
Кўксим ичра йиғлаюр
қизғиш хазон.
Ўртаниб чеккан фироғим
дил букун.
Ўтмасин дил фасли,
эй устоз фалак,
Менга дарс бергил,
сабоғим дил букун,
Қўйнида тошлар ниҳон
каслар аро
Яккаю танҳо яроғим
дил букун.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Муҳаммад Юсуф Андижон вилоятининг Марҳамат (кўҳна Мингтепа) ноҳиясида туғилган. «Таниш тераклар», «Булбулга бир гапим бор», «Уйқудаги қиз» шеърий тўпламлари муаллифи. Мақсуда, Нозима ва Мадина исмли қизчалари бор. Ўғли Шерзод ҳам шеър ёзади. «Яна нима керак, сенга эй кўнгул?!»

Сирожиддин САЙЙИД.

СУРАТДА: шоир Муҳаммад Юсуф оила аъзолари билан.

ИККИ ХИЛ ТААССУРОТ

«Пахтакор» ва «Локомотив» командалари ўртасидаги учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганида майдон эгалари дарвозаси теварагида бир неча хавфли вазият юзага келди. Гарчанд бу пайтда «Пахтакор» 3:1 ҳисобида олдинда бораётган бўлсада, асаблар таранг тортилди. Нега бунча ҳаяжон? Нима, бу — масъулият ҳиссими ёки ишончсизликми? Очиғи, униси ҳам, буниси ҳам. Гап шундаки, бу учрашув баҳоси, агар таъбир жоиз бўлса, икки очко билан эмас, пешқадамлар ёки даъвогарлар ўртасидаги ўзаро баҳсда бўлгани каби тўрт очко билан ўлчанар эди. Бу ҳол ҳар икки команда учун масъулият ҳиссини оширмай иложсиз эди. Айни вақтда бу саросима дарвозабоннинг (гап А. Яновский ҳақида кетяпти) бўш ўйини билан изоҳланар эди.

Ёдингизда бўлса, турнир жадвалининг охирги ўрнида бораётган «Кузбасс» командаси билан бўлган аввалги ўйинда ҳам дарвозабонимиз ўз вазифасини ҳаминқадар бажарган эди. Табиийки, дарвозабоннинг ишончсиз ҳаракати ҳимоячиларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. (Устига устак сўнгги икки ўйинда тажрибали ҳимоячи Г. Денисов майдонга тушмади). Натижада ҳимоя чизиғи билан ҳужум чизиғи ўртасида қандайдир кўз илғамас узилиш пайдо бўлди. Бундай шароитда ютуққа эришиш жуда қийин.

«Локомотив» билан бўлган учрашувда, айниқса, унинг биринчи бўлимида бу нарса яққол сезилди. Ўйин қовушмади. Айниқса, бу ҳолдан И. Шквирин кўп асабийланди. Унинг гоҳ у, гоҳ бу футболчимизга танбеҳ берганлиги ҳам шундан. Қандай ўйнаш кераклигини унинг ўзи кўрсатди. 21-дақиқада ҳисобни очди. Аммо шундан кейин ҳам майдонда ҳукм сурган асабий ҳолат бўшашмади. Кўп хатоларга йўл қўйилди. Қўполликлар ҳам бўлди. Икки футболчимиз учрашув ҳакамидан огоҳлантириш олди. Сал ўтмай, 40-дақиқада «Жальгирис» командасининг собиқ ўйинчиси, эндиликда командадошлари Сукристов, Иванаускаслар билан биргаликда «Локомотив» шарафини ҳимоя қилаётган Норбековас Яновский ва ҳимоячиларнинг хатосидан фойдаланиб, ҳисобни тенглаштирди.

Очиғи, учрашув дуранг натижа билан тугалланишига ичда рози бўлган мухлислар ҳам йўқ эмасди. Мағлубиятдан кўра, дуранг ҳам яхши эди-да!

Хайриятки, «Пахтакор» иккинчи бўлимни ҳужумкорлик руҳида ўтказди. Ғалабага йўл рақиб дарвозаси орқали ўтишини, ва ниҳоят, англаб етишди чоғи. «Локомотив» дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятлар юзага келди. Галеев дарвозабон билан яккама-якка чиқиб, тўпни тўрга йўллай олмади. Салдан кейин Шквирин тепган тўпни яна дарвозабон қайтарди, бироқ Х. Оганесян ёшларга хос чапдастлик кўрсатди. Ҳимоячилар билан кескин «олишув»да ғолиб чиқди. Тўпни боши билан дарвозага йўллади. «Пахтакор» олдинга чиқиб олди. Аммо бу гол Оганесянга қимматга тушди. У жароҳатланиб, майдонни тарк этишга мажбур бўлди.

Ўйин қизғин тус олди. Ҳимоячимиз Қувват Тўраев кириб бораётган тўпни очиқ дарвозадан чиқариб юбориб, командани қутқарган бўлса, бироздан кейин Нўъмон Ҳасанов чамаси уч-тўрт метрдан тўпни «Локомотив» дарвозасига йўллай олмади. Аммо Ҳасанов — Қосимов комбинацияси гол билан якунланди. Ҳисоб 3:1.

«Пахтакор» навбатдаги турда турнир пешқадами Владикавказнинг «Спартак» жамоасини қабул қилади. Бу учрашув кўп нарсага ойдинлик киритади.

Шу турдаги бошқа ўйинлар қуйидаги натижалар билан якунланди. «Зенит» — «Спартак» — 1:1, «Нефтчи» — «Котайк» — 3:0, «Металлург» — «Кубань» — 2:0, «Локомотив» НН — «Тирас» — 1:1, «Факел» — «Таврия» — 0:1, «Ростсельмаш» — «Шинник» — 2:0, «Динамо» Ст. — «Геолог» — 2:0, «Қайрат» — «Кузбасс» — 2:1.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Спартак»	31	18	9	4	57—23	45
«Металлург»	31	17	10	4	47—21	44
«Пахтакор»	31	17	8	6	59—37	42
«Динамо» Ст.	31	15	6	10	42—31	36
«Шинник»	31	15	6	10	42—33	36
«Нефтчи»	31	12	9	10	46—35	33
«Локомотив» М.	30	12	9	9	32—26	33
«Нистру»	31	12	9	10	38—35	33
«Динамо» Сх.	29	11	7	11	22—29	29
«Геолог»	31	10	9	12	29—36	29
«Локомотив» НН	31	9	11	11	33—42	29
«Таврия»	31	8	13	10	28—32	29
«Факел»	31	10	8	13	31—38	28
«Қайрат»	31	9	9	13	31—39	27
«Ростсельмаш»	31	9	9	13	31—43	27
«Зенит»	31	8	11	12	33—34	27
«Тирас»	31	8	11	12	22—37	27
«Котайк»	31	9	8	14	32—38	26
«Кубань»	31	8	6	17	22—44	22
«Кузбасс»	30	4	6	20	21—45	14

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини бехато тўлғазишга ҳаракат қилинг!

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

ОЛТИ РАССОМ ВЕРНИСАЖИ

Ўзбекистонлик олти рассомнинг Тошкент кино уйининг кўргазма залида очилган вернисажи «Эркин зона» деб номланди.

Хилма-хил жанрлар ва мавзуларда яратилган етмишдан зиёд ранг-тасвир ва график асарлар Ўзбекистон тасвирий санъатининг ҳозирги ривожи тўғрисида кенг тасаввур беради. Т. Миржалилов асарлари ўзининг ўткир ижтимоий йўналиши билан ажралиб туради. Унинг «Одам ато» ранг-тасвир триптихи — муаллифнинг ҳозир турмушимизда юз бераётган мураккаб жараёнларга нисбатан тутган фуқаролик мавқеини акс эттирган. Д. Охуновнинг полотнолари эса — мусаввирнинг жамият турмушидаги ўрни ва аҳамиятини ўзига хос тарзда англашдир. «Марғилон бозоридаги «Кутилмаган қотиллик» ва «Реквием» асарлари Фарғона фожиаси мавзусига бағишланган. «Нуҳ қайиғи» расмида гўё фантастик саробдек қум орасидан занглаб кетган кема тумшуғи кўриниб турибди. «Вайрон қилинган ибодатхона» ва «Каин ва Авель» асарлари инсон хотираси, жамиятнинг келажак авлодлар олдидаги масъулият мавзусини очиб беради.

Рассом В. Ган Ўрта Осиё табиатининг дурдонаси бўлган Иссиқкўлни куннинг турли вақтларида, тонгда, кундузи, оқшом чоғи ва тунда тасвирлаган. Ю. Чернишевнинг «Учар тошлар», «Киров», «Қора дарахт» асарлари ҳам табиатга бағишланган. Л. Иброҳимовнинг «Қадимги туркларнинг ривоят ва афсоналари» асари ўзбек фольклори саҳналаридан бирини очади.

М. Тўхтаевнинг «Сирень» асаридан музаффар ҳаёт нафаси уфуриб тургандек бўлади. (ЎзТАГ).

ТВ

29 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

9.00 «Инсон тақдири». Бадиий фильм («Мосфильм»). 10.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Наманган гуллари». 11.30 «Ҳужжатли экран». «Ўзбектелефильм» ижодкорлари — студиямиз меҳмони». 12.30 З. Фатхуллин. «Кумуш тўй». Сурхондарё вилояти Сариосиё ноҳияси халқ театрининг спектакли. 13.40 «Қўшиқ айтиш орзум менинг». Имямин Қирғизов ва Юсуфжон Юсупов.

* * *

Тижорат кўрсатуви

14.30 «Попнинг бир куни». Поп ноҳиясидаги 36-ўрта ҳунар техника билим юрти ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ҳақида.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Топилмалар бюроси». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ҳамза мукофотига номзодлар. Мусаввир Акмал Икромжонов. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ҳафтанома». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Онам, дадам ва мен». Бола икки ёшга тўлганда. 8.30 Мультфильмлар: «Урмон эртаклари». 1—2-сериялар. 9.00 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 9.30 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 10.30 Машинасозлар кунига. «Машинасозликда прогрессив технологик жараёнлар». Илмий-оммабоп фильм премьераси («Техномаш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси). 10.40 «Муҳофаза ёрлиғи». «Бу тўқ олчаранг шол рўмол...». 11.10 «Бурда моден» таклиф этади...». 11.40 Останкино концерт студиясида фалсафа фанлари доктори Д. А. Волкогонов билан учрашув. 13.20 «Оила экрани». Кинопрограмма. 14.30 Қишки вақтга ўтиш. 14.40 «Аслида ким?» «Сиёсий мулоқотлар» туркумидан. 15.55 В. А. Моцарт. Скрипка ва оркестр учун 2-ре мажор концерти. 16.20 «Экранда Сибирь». Киножурнал. 16.30 Буюк Британия телевидениеси оқшоми. 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 Буюк Британия телевидениеси оқшоми (давоми). 20.30 «Вақт». 21.00 СССР ҳукуматида. 21.10 Буюк Британия телевидениеси оқшоми (давоми). 22.10 «ТСН». 22.25 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23584.